



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№39

2025-yil

1-oktabr, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азишларни, ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олижаноб ишга – навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муҳтарам устоз ва мураббийлар, соҳанинг барча жонкуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли кунда сиз, меҳрибон устозларга эл-юртимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор изҳор этиб, барчангизга Янги Ўзбекистон келажагини яратиш йўлидаги машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Яқинда сизлар билан бўлиб ўтган очик, айтиш мумкинки, тарихий мулоқотимизда таълим-тарбия тизимидаги ишларимизни чуқур таҳлил қилиб, уларни янги босқичга кўтариш бўйича аниқ мақсад ва режаларни белгилаб олдик.

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Бу борада биз эришган ютуқлар халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари суриш учун асос бўлди.

Хусусан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмни ташкил этгани, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қурилгани, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган дастурларимиз алоҳида эътироф этилди.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизда қисқа муддатда боғчалар сонини 5200 дан 38 мингга, қамров даражасини 27 фоиздан 78 фоизга оширганимиз, тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилгани, ушбу

муассасалардаги раҳбар ва педагоглар маоши қарийб 2 баробар оширилганини таъкидлаш лозим.

Келгуси йилдан Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда Президент мактаблари каби “Янги авлод” боғчалари ташкил этилиб, уларда тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганади.

Фарзандларимизга билим ва тарбия беришнинг энг муҳим босқичи – мактаб таълимини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда 500 га яқин янги мактаблар барпо этилиб, мавжудлари кенгайтирилгани ҳисобидан 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Хусусий мактабларга йўл очилиши туфайли ота-оналар ва ўқувчилар учун танлаш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда 200 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз ана шундай мактабларда ўқимоқда.

Янги ўқув йилидан 12 йиллик мактаб таълими ҳамда 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниб, уларнинг натижалари бўйича битирувчилар бевосита техникум ва олийгоҳларга қира оладиган тартиб йўлга қўйилади.

Ҳаммамизга аёнки, келажак – замонавий билим билан қуролланган касб-хунар эгалариникидир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис ёшларимизни давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак.

Шу мақсадда ташкил этилаётган Касбий таълим агентлигидан умидимиз катта. Ушбу агентлик касб таълими соҳасига, мавжуд техникумларга халқаро стандартлар асосида янги ҳаёт нафасини олиб кириши зарур.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг илғор ўқув дастурлари жорий этилади. Жумладан, Англиянинг

“Пирсон” компанияси билан ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури орқали ёшлар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иктисодиёт каби йўналишларда талаб юқори бўлган касбларни эгаллайди.

Мамлакатимизда дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилади. Айни пайтда янги технологияларни ўзлаштириш, чет эллик инвестор ва ҳамкорлар билан эркин мулоқот қилиш учун техникумлардаги хорижий тил соатлари тўрт карра кўпайтирилади.

Умуман, келгуси йилдан янги, рақамли очик платформа ишга туширилиб, унда техникум битирувчиларининг касбий кўникмалари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун эълон қилинади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш билан шуғулланади.

Барчангизга маълумки, биз кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Амалга оширилган ислохотларимиз натижасида ўтган саккиз йил ичида олийгоҳларимиз сони 77 тадан 202 тага, талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллионга етди. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти кўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди.

Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришаётган олимларимизнинг асосий қисмини профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани айниқса эътиборлидир.

Қадрли дўстлар!

Биз ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ва нуфузини оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз. Шу боис

соҳа ходимларининг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Жумладан, янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади.

Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма жорий этилиши мўлжалланмоқда. Ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаларини харид қилишлари учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Янги йилдан соҳа ходимлари учун давлат хизматлари тўлови икки карра камайтирилади. Дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган бўлғуси педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади.

Муҳтасар айтганда, ўқитувчи ва мураббийлик касбини жамиятимиздаги энг муҳим ва обрўли касбга айлантириш бўйича бошлаган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Муҳтарам устозлар, азиз мураббийлар!

Юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессансни яратган улуг мутафаккир ва алломаларни ҳам ўз вақтида сиз каби ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган. Бу эзгу аъёналарнинг давомчилари сифатида сиз, азишлар ҳам бугун жонажон Ватанимизда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс бунёдкорларини қамол топтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ана шундай олижаноб мақсад йўлида сизларга мустаҳкам соғлиқ, қуч-ғайрат, янги ютуқлар ва оилавий бахт тилайман.

Барчангизга ҳамиша эл-юртимиз, шоғирдларингизнинг ҳурмат ва ардоғида бўлиш насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛИК ЭНГ МУҲИМ ВА ОБРЎЛИ КАСБГА АЙЛАНАДИ

Инсон капитали ривожини мамлакат иктисодиётини юксалтиришнинг, жамият ҳаётида янги сифат ўзгаришларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилли. Шу нуқтага назардан кейинги йилларда Ўзбекистонда “инсон” феномени давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Таълим ва илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш суръати жадаллашди. Ушбу соҳа учун давлат бюджетидан сарф этиладиган харажатлар йил сайин ошмоқда.

► (Давоми 4-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

АЁЛ ВА ИШ: МУВОЗАНАТ МАСАЛАСИ

► (Давоми 7-бетда)



ХАЛҚАРО БАРҚАРОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР



Ўтган ҳафтада халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътибори инсоният тарихидаги энг йирик ва кенг қамровли халқаро ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясига қаратилди.

► (Давоми 2-бетда)

НОШИРЛИК ИШИДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Бугун китобхонлиқни оммалаштириш ҳақида кўп гапиряпмиз. Президент ташаббуси билан китобхонлик алоҳида мукофотлар билан тақдирланмоқда. Кўрсаткичлар нашриётлар сони кўпаяётгани, чоп этилаётган китоблар сони ва адади ҳам тобора ошаётганини кўрсатмоқда. Соҳага 25 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган. Шунингдек, 2025 йил 1 январдан бошлаб нашриёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

► (Давоми 2-бетда)

ХАЛҚАРО БАРҚАРОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш керакки, халқаро майдонда юз бераётган мурасиз сиёсий тарангликлар, ўткир иқтисодий инкирозлар, кучайиб бораётган технологик ва ижтимоий тенгсизликлар фонида халқаро ташкилотларнинг глобал миқёсдаги нуфузини ошириш долзарб масала. Шундай мураккаб глобал муҳитда давлатларнинг бир-бирига ишончини мустаҳкамлаш, халқаро меъёрларнинг устуворлигини таъминлашда БМТнинг мавқеини ошириш давр талабига айланди.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридаги нутқида шу жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтди. Давлат раҳбари ташкилотни асосий платформа сифатида сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолашини, “БМТ – 80” ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ва Ўзбекистон Келажак учун пактга қатъий содиқлигини тасдиқлади.

Шунингдек, Президент БМТ сессиясида Ўзбекистоннинг устувор мақсадларига дунё эътиборини қаратди. Жумладан, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадрини фаровонлигини ошириш устувор вазифа экани таъкидланди.

Бу Ўзбекистонда инсон қадрини улғулашга қаратилган ислохотларнинг ортга қайтмас эканлигини, асосий мақсад фуқароларимиз учун фаровон ҳаётни таъминлашдан иборатлигини халқаро ҳамжамиятга баралла айтишдир. Шуни ҳам қайд этиш керакки, юртимиздаги ислохотларни халқаро ҳамжамият, нуфузли ташкилотлар ҳам тан олиб, эътироф этмоқда.

Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда юртимизда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизга қисқарганини маълум қилди.

Бундан бир неча йиллар олдин камбағаллик тан олинмаган, лекин энг оғриқли масала эди. Лекин кейинги йилларда амалга оширилган кенг қамровли, тизимли ислохотлар юртимизда камбағаллар сони кескин камайишига, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги кўтарилишига муҳим замин яратди.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратайлик, бир одамнинг камбағалликдан чиқиши, тўқсиз ҳаётга қадам қўйиши, унинг иш билан таъминланганлиги, муносиб



меҳнат шароитининг яратилганлиги, ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланганлиги каби кўплаб омилларга боғлиқ.

Нутқда келтирилганидек, мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани, олий таълим билан қамров эса 9 фоиздан 42 фоизга етгани Ўзбекистоннинг бу йўналишда реал ва муҳим натижаларга эришаётганини кўрсатади. Таълим сифати ошган, фуқаролари касб-хунарли бўлган мамлакатда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ишлари самара беради.

Ўқитувчи ва устознинг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қаралмоқда. Педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш тақлиф этилди. Ушбу ташаббус Ўзбекистонни илм ва маърифатга интилувчи мамлакат сифатида яна бир бор дунёга намоян этди, десак муболаға бўлмайди.

Нутқда яна бир ҳаётини масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Яъни, Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида олган мажбуриятларига содиқ экани билдирилди. Бу қандай мақсадлар экани ҳақида барчамиз яна бир фикрлаб, хулоса қилиб олишимиз лозим.

Камбағалликнинг барча шаклларига барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигининг ривожланишига кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, барчани қамраб олувчи, тенг ҳуқуқли ҳамда сифатли таълимни кафолатлаш каби йўналишлар Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосини ташкил этади.

Энди ўйлаб кўрайлик, юртимизда мана шу йўналишларнинг ҳар бири бўйича стратегик дастур ва режалар белгиланиб, уларни рўёбга чиқариш учун улкан ресурс ва саъй-ҳаракатлар йўналтирилмоқда.

Халқ демократик партиясининг энг муҳим дастурий мақсадлари ҳам одамларга барқарор даромад манбаи яратиш, барчанинг сифатли таълим олиши, касб-хунар ўрганиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадлар билан ҳамохангдир.

Давлат раҳбарининг АҚШга тарихий ташрифи давомида жуда кенг қамровли учрашув ва мулоқотлар ўтказилди, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган келишувларга ҳам эришилди. Буларнинг барчаси халқимиз манфаатларига, юртимиз истиқболига хизмат қилади.

Эътиборлиси, маълумотларга қараганда АҚШ билан товар айирбошлаш кейинги йилларда 4 баробарга ошган. АҚШнинг 300 дан ортик компанияси Ўзбекистонга сармоя киритган. Албатта, бу катта ўсишдир. Эътиборлиси, бу минг-минглаб

янги иш ўринлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кенгайиб бораётгани ва бу жараён изчил давом этишини англатади. Ҳар бир иш ўрни аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кенгайишига хизмат қилади.

Таҳлилчилар яқин келажақда Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий-сиёсий муносабатларида катта ўсиш кузатилишини айтмоқда. Бунга давлат раҳбарининг Қўшма Штатларга сафари давомида кўплаб йўналишларда умумий қиймати 100 миллиард доллардан зиёд бўлган шартномалар ва истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилганини яққол мисол қилиш мумкин.

Халқаро бозорларда барқарор мавқега, жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ўрнига эга давлат билан иқтисодий, сиёсий жиҳатдан мунтазам алоқалар ўрнатиш Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасида ўрни, таъсири ва аҳамияти ошиб бораётганини англатади.

АҚШ Президенти ва ушбу мамлакат расмийлари Ўзбекистон делегациясига алоҳида эътибор ва ҳурмат кўрсатганини ҳам экспертлар қайд этишди.

Мамлакатимиз тараққиёт, тинчлик ва дўстлик учун дунёдаги энг ишончли ҳамкорлардан бири экани Марказий Осиёда юзага келган бугунги биродарлик муҳити мисолида ҳам яққол акс этмоқда. Минтақамизнинг мураккаб муносабатлардан стратегик ҳамкорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик кенг қулоч ёйган маконга айланишида Ўзбекистон етакчисининг, халқимизга хос бағрикенглик дипломатиясининг аҳамияти албатта беқиёсдир.

Нутқда 2030 йилга бориб Ўзбекистон “даромади ўртадан юқори” бўлган мамлакатлар қаторига киришни ният қилгани билдирилди. Айтиш мумкинки, шундай маррага етиш йўлидаги ислохотлар халқимиз томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланаяпти, ҳар бир юртдошимиз ўзгариш ва янгиланишларнинг бевосита иштирокчиси бўлишга интилмоқда.

Шу маънода Ватанимиз халқ ва давлатнинг бирдамлиги, тинчлик ва фаровонликка биргаликда интилиши бўйича дунёга ўзига хос намуна кўрсатмоқда.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси раҳбари.**



**Хусан ЭРМАТОВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси.**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, чоп этилаётган китобларнинг мазмун-мундарижаси, савия ва мафкураси нечоғли қониқарли?

Бу савол бежиз қўйилгани йўқ.

Китобхонлик маданияти ривожланётгани сари мавзу долзарблиги ҳам ошмоқда. Биз қандай китобларни ўқиямиз, янги чиқаётган бадий, илмий, тарихий нашрларимиз адабиёт талаблари, илмий изланишлар, соҳаларда эришилган ютуқлар билан уйғунми, саводчи, савод масаласи қандай бўлмоқда? Очиғи, кўплаб ноширлик фаолияти билан машғул бўлган тadbиркорларимиз баъзида тўғридан-тўғри интернет иловалари орқали ўғирилган бадий асарларни чоп этишаётганига нима дейсиз? Уларда адабиёт илмидан бохабар кадрлар фаолият кўрсатмаётгани эса янада ачинарли.

Эътибор беринг, сўнгги 4 йилда нашриётлар сони 3,5 баробарга кўпайиб, 590 тага етган, бир томондан қувонарли рақам: шундан 90 фоизи (531 та) ҳусусий. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошиб, ҳар йили ўртача 11 минг номда 40 млн нусхада адабиётлар нашр этилмоқда. Бу жуда катта кўрсаткич.

НОШИРЛИК ИШИДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, нашриётларнинг 248 тасида бош муҳаррир лавозими мавжуд эмас.

Унинг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва уларнинг масъулиятига оид нормалар йўқлиги сабабли китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид маълумотлар бот-бот учрамоқда.

Ишчи гуруҳлари 124 та ҳолатда болаларга оид китобларда ёш ҳусусиятларга мос бўлмаган ва улар онгига салбий таъсир қиладиган жумлалар қўлланилганлигини аниқлаган.

Шунингдек, чоп этилган айрим китобларнинг (142 та ҳолат) амалдаги давлат стандартлари талабларига мос келмаслиги, кўплаб китобларда тарихий фактлар нотўғри тарзда берилаётгани (46 та), тиббиётга оид нашрларда ҳам ноаниқ ва илмий исботланмаган

маълумотларнинг учраши (29 та) бу борада янги қонуний нормаларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун айнан ноширлик соҳасидаги корхоналарда бош муҳаррирнинг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва уларнинг масъулиятига оид янги 151-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра:

бош муҳаррир нашриёт тахририятининг ижодий фаолиятига раҳбарлик қиладиган, нашриётнинг мавзу режалари ишлаб чиқилиши ҳамда нашрларнинг қонунчилик талабларига, ноширлик фаолияти соҳасидаги техник регламентлар (миллий стандартлар) талабларига мувофиқ тайёрланиши учун масъул эканлиги;

бош муҳаррир лавозимига олий маълумотга ва ноширлик фаолиятида камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкинлиги;

бош муҳаррир ташкилотнинг муассиси (муассислари) ёки раҳбари томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши;

нашриёт нашрларини чиқариш тўғрисидаги қарор бош муҳаррир томонидан қабул қилиниши;

бош муҳаррир нашриётнинг ижодий фаолияти учун жавобгар эканлиги;

бош муҳаррир нашрларнинг мавзу йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли экспертлар ва олимларнинг ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг тақризларини

мустақил равишда олишга ёки муаллифдан (муаллифлардан) уларнинг тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бундан буён нашриётлар бош муҳаррирсиз фаолият юритмайди ва бу фаолиятда бош муҳаррир нашрга тавсия этилган китобларнинг бадий, илмий ва маънавий қиймати, қолаверса, у мустақил равишда тақризлар олиш ёки муаллифдан тақдим этишни талаб қилиш орқали асарнинг илмий ва маданий қийматини объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, китобхонларнинг ишончини қозонишга ва соҳанинг обрўсини оширишга ёрдам беради.



ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ

ҚАНЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛГАНИ ЭМАС, ҚАНДАЙ НАТИЖАГА ЭРИШИЛГАНИ МУҲИМ

Кейинги йилларда маҳаллий давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳудудлар тақдири билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпнинг фикри билан қабул қилиш бўйича анча натижаларга эришилди. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди. Чунки кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун аввало, маҳаллий кенгашлар кучайиши керак. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Агар маҳаллий Кенгаш кучаймаса, ислохотлар натижаси кўринмайди.

Шундай муҳим паллада маҳаллий Кенгашлардаги Халқ демократик партияси депутатлари нималар билан машғул, уларнинг маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббускорлиги қандай?

Саволларимизга фарғоналик фаолларимиз жавоб беришди.



Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

- Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДПнинг 115 нафар депутати фаолият олиб бормоқда.

Бир нарсани ишонч билан айта оламан, партия гуруҳларимизнинг халқ орасида ҳам, депутатлар орасида ҳам обрўси яхши. Депутатларимиз доимий комиссиялар, ҳокимлик ва ижро органлари раҳбарлари олдида ўз сўзига ва мустақам позициясига эга.

Жорий йилнинг ўтган даврида депутатлар томонидан жами 329 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, уларнинг 291 таси ижобий ҳал этилди. Депутатлик назорати орқали 78 та масалада ўрганиш олиб борилди. Уларнинг асосий қисми соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, бандлик, ўй-жой билан таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари – бу жамият ҳаётининг юраги, аҳолининг муаммолари ҳал бўладиган, орзу-мақсадлари рўёбга чиқадаган минбардир. Бу ерда ҳар бир депутатнинг

овози муҳим, фикри, муносабати тингланади.

Ушбу жараёнда депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдириб, ҳимоя қилмоқда.

Айтайлик, жорий йилнинг ўтган даврида депутатлик назорати орқали ўрганилган 72 та масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилди. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан сессия қарорлари доирасида 59 нафар мансабдор шахсларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ҳисоботи эшитилди.

Масалан, яқинда халқ депутатлари Бешариқ туманидаги партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Л.Жўраевнинг ҳисоботи эшитилди.

Кенгаш қарори билан ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш бўйича тақлиф киритиб бориш, бунда экспресс лабораторияларни тўлиқ янгилаш, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига замин яратиш вазифаси юклатилди.

Айтиш керакки, бугунги кунга қадар депутатлик гуруҳлари томонидан иш режада белгиланган вазифаларнинг 90 фоизи муваффақиятли бажарилди.



Шавкатжон ЭРМАТОВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

- Сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш



Облоберди ОЛИМОВ,
халқ депутатлари Кува туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

- Вилоятимизда сессия кун тартибига масала олиб киришда маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки депутатлик гуруҳининг ўрганиш якунлари бўйича қарори дастлаб доимий комиссияга тақдим этилади. Комиссиялар кўриб чиқиладиган масаланинг моҳияти, долзарблиги ва унинг аҳолига таъсирини чуқур таҳлил қилади. Шундан сўнг ушбу масалани Кенгаш кун тартибига киритади.

Масалан, яқинда халқ депутатлари Кува туман Кенгашининг “Ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари” бўйича доимий комиссия йиғилишида ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан “Васийлик ва ҳомийлик

мақсадида чекка қишлоқларга кўп борамиз. Одамларнинг мурожаатлари асосида ёки ўзимиз кўрган, кузатган камчиликлар, муаммолар юзасидан тақлифлар тайёрлаймиз, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари жўнатамиз.

Бир мисол, жорий йилнинг 20 июнь кўни “Ижтимоий ҳимоя” миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи А.Салимовга Президентнинг 2023 йил 27 декабрдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Фарғона вилоятида бажарилган ишлар юзасидан депутатлик сўрови юборилди. Натижасида

электоратимиз вакиллари бўлган 10 нафардан ортиқ ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Энди тасаввур қилинг, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг қанчадан-қанча депутати, халқ сайлаган вакиллари бор. Ҳамма юраги ёниб ишласа, ишончни оқлаш учун беҳаловат бўлса, қанчадан-қанча мурожаатлар ҳал бўлади, одамларни ўйлантираётган кўпдан-кўп масалалар ечилади. Шундай масалалар борки, вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи уни ҳал қилиш учун етарли. Фақат депутат сайловчилари учун жон куйдирса бўлди.

тўғрисида”ги қонуннинг тумандаги ижроси муҳокама қилинди.

Унга кўра, туман васийлик ва ҳомийлик рўйхатида 133 нафар васийликдаги, 91 нафар ҳомийликдаги, 7 нафар оилавий болалар ўйи тарбияланувчилари — жами 231 нафар болалар бўлиб, уларнинг йиғма жилдлари шакллантирилганлиги аниқланган.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, туманда 66 нафар ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг 47 нафарига васийлик, 19 нафарига ҳомийлик тайинланган.

Шу билан бирга 22 нафар болалар ота-онаси қарамоғига қайтарилган. Бундан ташқари, болалар ҳуқуқларини таъминлаш масаласида суд жараёнларида 40 мартаба иштирок этилган. Бу орқали ўзаро ажралган ҳолда яшаётган ота-оналарнинг фарзандларини кўриш, боланинг яшаш жойини белгилаш бўйича Фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳулосалар тақдим этилган.

Туманда 6 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 77-моддасига асосан вояга етмаган болаларнинг яқин қариндошлари (бобо, буви, ака, ука ва бошқалар) билан кўришиб туришини таъминлаш мақсадида Кува тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбасининг қарорлари қабул қилинган.

Ўрганиш натижалари таҳлил қилиниб, халқ депутатлари Кува туман Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида кўриб чиқилди.

Қанча йиғилиш ўтказилгани эмас, қандай натижага эришилгани муҳим. Ҳўш, биз натижаларни қандай аниқлаймиз? Жойларда ўтказиладиган партия фаоллари, депутатлар иштирокидаги учрашувлар, мулоқотлар жараёнида аҳолининг фикрлари, мурожаатлари ўрганилади. Кўрилган масалалар бўйича қайта ўрганиш олиб борилади, сусткашликка йўл қўйилаётган масалалар ижроси жадаллаштирилади.

Бир қарашда депутатлик гуруҳлари шунчаки 10-15 нафар депутатлар бирлашмаси, 2-3 ойда бирон бир масаласини муҳокама қилувчи жамоадек кўринади. Аслида эса унинг масъулияти, сайловчилар олдида бурчи катта. Улар ҳудудлардаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни яхши билиши, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар, мутасаддилар олдида вазифалар бўйича таъминлаш, муаммолар ечими бўйича аниқ тақлифлар билдириши керак бўлади. Уларнинг ташаббуси билан сессияларда қўрилган масалалар ҳам шунчаки қоғозларда қолиб кетиши керак эмас. Ижроси назоратга олиниб, амалий ишлар натижаси кўриниши зарур.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Муҳокама марказида – ногиронлиги бор шахсларга тўсиқсиз муҳит

Конституциямизнинг 57-моддасига кўра, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсиқиниксиз олиш имкониятини таъминлайди.

Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб қувватлаш жуда муҳим ва ижтимоий масъулиятдир.

Афсуски, ногиронлиги бўлган шахслар ишлаш, таълим даражасини ошириш ва жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятидан ҳали ҳануз тўлақонли фойдалана олмаётган ҳолатлар бор. Демак, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги масъулият ҳам шунга мос бўлиши зарур.

Халқ депутатлари Наманган туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари туманда ногиронлиги бор шахсларни жамиятга интеграция қилиш, уларга тўсиқсиз муҳит яратиш, жамият ҳаётида тўлоқонли иштирок этишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганди. Дастлаб партия гуруҳида муҳокама қилинган масала сессияга киритилди ва ўрганиш натижалари юзасидан партия гуруҳи аъзоси Гулҳаё Отамирзаева ахборот берди.

Гулҳаё ОТАМИРЗАЕВА,
Наманган туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Партиямиз дастурида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда тўсиқсиз муҳит яратишга оид ғоялар илгари сурилган. Бу борадаги вазифалар ижросини назорат қилиш эса депутатлар ҳамда партия фаолларига катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, тизимли

таҳлилий ўрганишлар ўтказяпмиз.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига туманда ногиронлиги бўлган шахслар 4458 нафарни ташкил этади, уларнинг 1969 нафари аёллар, 2489 нафари эркеклардан иборат. 2024 йил ва 2025 йилнинг 8 ойи давомида 690 нафар ногиронлиги бўлган шахслар реабилитациянинг техник воситалари ҳамда 160 нафари протез-ортопедия буюмлари билан таъминланган.

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар талабларидан келиб чиқиб, 2025 йилда ногиронлиги бўлган шахслар учун захираланган иш ўринлари 66 тани ташкил этади. Бироқ жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 2 нафар ногиронлиги бўлган шахс иш билан таъминланган ва бу белгиланган режанинг 3 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу иш ўринлари ортида фуқароларнинг ҳуқуқлари турибди. Агар улар иш билан таъминланса, ўзига ва оиласигагина эмас, жамиятга ҳам бирдек манфаатли бўлади. Ногиронлар жамияти туман бўлимида



олинган маълумотларга кўра, 217 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ишлаш истагини билдирган. Уларнинг бандлигини таъминлаш айти пайтда долзарб масала бўлиб турибди.

Умиджон СОЛИЕВ,
ЎзХДП Наманган туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Бугун ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Муҳими, тўсиқсиз муҳит тушунчаси босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Айти пайтда иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, таълимнинг барча босқичларига қамраб олиш борасида ҳам салмоқли илгарилаш кузатилмоқда. Аммо бу муаммоларга барҳам берилди дегани эмас.

Жамиятдаги қарашларнинг ўзгариши бевосита ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзига ҳам боғлиқдир. Ҳаётини ўзгартириш, ўз устида ишлаш, меҳнат қилиш истагига эга бўлган фуқаролар учун эса имконият ва имтиёзлар етарли, назаримда.

Мисол учун, “Паст қиёт” маҳалласида яшовчи Дилнавоз Бокижонов ва сумкалар ва бошқа аксессуарлар тайёрлаб, бозорга тақдим этмоқда. “Хонобод” маҳалласида яшовчи Хуришда Эгамбердиева эса қолдиқ матолардан турли гуллар ва рўзғор буюмлари ясаётганини кўрдик. Депутатлар ва мутасаддилар бу каби фаолият турларини ривожлантириш ва маҳсулотларни сотишда амалий кўмак кўрсатишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Жумладан, қўл меҳнати асосида маҳсулотни доимий ҳаридорларга йўналтириш мумкин. Натижада фуқаронинг даромади ошади. Иш ҳажмининг ортиши эса янги қўлларга эҳтиёж бор дегани. Шу нуқтада устоз-шоғирд анъаналари асосида ишсиз ёшларни жалб этиш ҳамда бандлигини таъминлаш чораси асқотади. Намунали

хунармандларга маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда қўшимча имтиёзлар ёки рағбатлар ҳам кўрсатиш мумкин. Бу меҳнатга бўлган иштиёқни оширишга хизмат қилади.

Муҳокамаларда Ногиронлар жамиятининг моддий-техника базаси, яратилган шароитлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида жамият ўз фаолиятини самарали юритиши учун хона ва жиҳозлар етишмовчилиги аниқланди.

Шунингдек, Тошбулоқ шаҳарчасидаги 22 та ижтимоий объектдаги пандусларнинг шаҳарсозлик меъёрлари қоидаларига мувофиқлик ҳолати ўрганилганда айримлари белгиланган талабга жавоб бермаслиги, 4 та ташкилот биносиде умуман пандус йўқлиги маълум бўлди. Мисол учун, туман ДСЭМ биносиде, ирригация бўлимида, 30-сонли дорихона биносиде, почта алоқа бўлинимаси, камбағалликни қисқартириш ва иқтисодиёт бўлими ва солиқ инспекцияси биноларида пандуслар нишаблиги белгиланган меъёрдан банд қияликда қурилган.

Бундан ташқари, “Қоратепа” ва “Тепакўрган” МФЙлар, Тошбулоқ шаҳарчаси ҳудудидеги 12 та бекатнинг 11 тасиде пандус мавжуд эмас. Айрим бекатлар тадбиркорлар томонидан турли маҳсулотлар билан тўлдирилган бўлиб, йўловчи учун шароит қолдирилмаган. Ҳар бир бекатга ҳеч бўлмаганда йиғма пандуслар ўрнатишни тавсия қилдик.

Сессияда партия гуруҳи томонидан ўрганилган масалаларга оид тақлиф ва тавсиялар берилди. Муҳокамалар якунида тегишли қарорлар қабул қилинди ва масалага алоқадор ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛИК ЭНГ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда Наманганда бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” мавзусидаги III халқаро форумида ҳам давлат раҳбари айнан таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда камбағаллиқни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолишини таъкидлади. Чунки одамларнинг билим ва

дунёқарашини оширмасдан туриб, уларни камбағаллик гирдобидан олиб чиқиш имконсиз.

Мана шундай стратегик мақсадларни ҳаётга татбиқ қилишда, албатта, ўқитувчи-педагогларнинг ўрни бекиёс. Улар, таъбир жоиз бўлса, тараққиётнинг бунёдкорлари ҳисобланади. Шундай экан, таълим соҳаси фидойилари мақомини ошириш, машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб эътироф этиш,

ижтимоий қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг бугуни ва эртаси учун бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Қайд этиш ўринлики, ижтимоий адолат, тенглик ва бирдамлик тамойилларига асосланган демократик ижтимоий давлат барпо этишни ўз олдига устувор мақсад қилиб белгиланган Халқ демократик партияси ўқитувчи-педагогларнинг мавқеини юксалтириш тарафдоридир. Таълим тизими

ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш партиянинг дастурий мақсад ҳамда ғоялари билан ҳамоханг. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик муסיқали театрида ЎзХДП ташаббуси билан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида шулар ҳақида сўз юритилди. Унда соҳанинг фидойи вакиллари, партия аъзолари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, айниқса, охириги 8-9 йилда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ ўқитувчиларнинг ҳаёти ҳам, меҳнат фаолияти ҳам яхши томонга силжий бошлаганига урғу бердилар. Бу соҳада ташкилий-ҳуқуқий механизмнинг мустаҳкамланаётгани қувонарли. Хусусан, янгиланган Конституциямизнинг 52-моддасида ўқитувчининг мақомига алоҳида тўхталиб ўтилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Ўтган йили қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги

қонун билан педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгилаб берилди.

Мазкур қонуннинг руҳи ва мақсади том маънода Халқ демократик партиясининг ғоя-мақсадларига тўлиқ мос келади.

Тадбирда юртимизда таълим-тарбия соҳасига берилаётган эътибор туфайли ёшларимиз фан ва техника, маданият ва санъат, рақамли технология, спорт соҳаларида юксак марраларни эгаллаётгани тилга олинди. Бундай ютуқлар ортида, аниқки, ёш авлодга яратилаётган замонавий имкониятлар билан бир қаторда улуг касб эгалари – ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнати турибди.

Ўқитувчи-мураббийлар учун муносиб иш ва турмуш шaroитларини яратиш жараёни давом этаётгани, ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли касблар қаторига олиб чиқишга ҳаракат қилинаётгани ўз-ўзидан таълим соҳасида мавжуд қатор муаммоларнинг ҳам ечим топишига туртки бераётгани айтиб ўтилди.

Бир гуруҳ фидойи ўқитувчиларга партиянинг байрам совғалари топширилди.

Ҳа, юртимизда устозлик шарафи ва масъулиятини елкасига олиб, ҳар бир боланинг келажаги учун ўзини масъул билган, унга ўз фарзандидан кам меҳр бермай, билим улашиб келаётган жонқуяр ўқитувчилар халқимизнинг ноёб бойлиги. Улар ҳамиша эъзозимизда.

СЎЗ – ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Шаҳноза ҚОСИМОВА,
Шайхонтоҳур тумани 20-умумтаълим
мактаби директори:

– Ҳозир Янги Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва тарбияга тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч сифатида қаралмоқда.

Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта-махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий халқаси, деб қаралмоқда. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устун, деб ҳисобланмоқда.

Бугун биз ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўйбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этиш йўлидан илдам одимлаётган эканмиз, бунда, албатта, ўқитувчининг меҳнатини алоҳида эътироф этиш керак.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги ўқитувчилар билан, бундан 10 йил аввалги мураббийнинг орасида жуда катта фарқ бор. Чунки сир эмас, яқин-яқингача ўқитувчи болалар билан ишлаш, уларга таълим-тарбия бериш ўрнига бошқа мавсумий ишларга жалб қилинган.

Бугунги кунга келиб эса ўқитувчининг мақоми ошди, унинг меҳнати, кучи майда-чуйда ишларга сарфланмай, келажак авлодни тарбиялашдек заҳматли ва масъулиятли фаолиятга йўналтирилди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ўқитувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Давлат томонидан уларнинг маоши мунтазам ошириб бориляпти. Шунингдек, қишлоқ ва чекка ҳудудларда ишлайдиган ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар тақдим этилмоқда.

Педагогларнинг малакасини ошириш учун махсус курслар ва семинарлар ташкил этилмоқда. Замонавий таълим методлари, инновацион технологияларни ўзлаштириш орқали ўқитувчилар ўз билимини доимий равишда ошириб бормоқда. Бу эса таълим сифатининг ошишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ишлари босқичма-босқич ривожланиб бормоқда ва бу жараёнлар мамлакатнинг келажаги учун муҳимдир. Чунки кучли ва малакали ўқитувчисиз юксак мақсадларга эришиш қийин.

Байрам муносабати билан кадрни баланд, меҳнати улуг барча ҳамкасб ўқитувчиларни муборакбод этаман. Эъзозга, эътиборга ва эътирофга муносибсиз, азиз устозлар. Барчангизга узоқ умр, бахт-саодат, хонадонингизга файзу-барака, баркамол авлодни вояга етказишдаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайман.

“

БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ ЭСА ЎҚИТУВЧИНING МАҚОМИ ОШДИ, УНИНГ МЕҲНАТИ, КУЧИ МАЙДА-ЧУЙДА ИШЛАРГА САРФЛАНМАЙ, КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДЕК ЗАҲМАТЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

Сайёра ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

– Таълим ҳар қандай жамиятнинг пойдевори. Шу пойдеворни мустаҳкамлашда ўқитувчиларнинг роли, ўрни бекиёс, албатта. Сўнги йилларда Ўзбекистонда ўқитувчиларни моддий, маънавий ва касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу эса таълим сифатини оширишга, ёш авлодни билим билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мухлиса ҒАНИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
бош консултанти:

– Ҳар йили 1 октябрь санасини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Бу нафақат таълим соҳаси вакилларига бўлган ҳурмат ва миннатдорчилик ифодаси, балки бутун жамият учун қадрли, катта аҳамиятга эга бўлган кундир. Чунки, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, камолга етиб, ҳаётда ўз ўрнинимизни топишимизда ўқитувчи ва мураббийларимизнинг катта ҳиссаси, бекиёс хизмати бор. Ўқитувчилар жамиятимизнинг энг қадрли инсонларидир.

Партиямиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирга қалбимизни



Масалан, мактаб ва ўқув марказлари замонавий техника ва дарсликлар билан таъминланмоқда. Интерактив ускуналар, интернет тармоқлари орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар учун қулай шароит яратилляпти. Бу эса педагогларнинг ишини анча енгиллаштиради ва дарсларнинг сифатини оширади.

Бугун таълим тизими, ўқитувчи кадрини улуглаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланди. Улар ўз ишини кўнгилдан ва иштиёқ билан бажармоқда.

Бу нафақат моддий жиҳатдан, балки эътибор, ҳурмат ва ижтимоий обрў кўриниши ҳам намоён бўляпти. Ҳозир устозларга муносиб ҳақ тўланапти, уларнинг касбий малакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратилляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир педагог

меҳнати қадр топаётганини қалбан ва руҳан ҳис қилмоқда. Бу эса таълим сифатини оширишга беvosита таъсир кўрсатмоқда. Бу келажак учун катта сармоядир. Чунки, сифатли таълим биз хоҳлайдиган, биз эришадиган юксак жамият асоси ҳисобланади.

Хўш, бугун олдимизда нималар турибди? Ривожланган давлатлар таълим тизими билан тенглашиб, ҳатто улардан илгарилаш, жаҳон миқёсидаги рақобатга интилишимиз керак.

Чунки Учинчи Ренессанснинг ёрқин манзараси – бу билимга чанқоқ, маънавиятли ёшлар ва албатта, уларни тарбияловчи оқил ҳамда фидойи устозлар қўлидадир.

Барча устозларини, ўқитувчиларни байрам билан муборакбод этаман. Илм йўлида, жамият тараққиёти учун чеккан заҳматларингиз роҳатини кўринг.

Улар нафақат билим беришади, балки қалбимизга ишонч, эртанинг умидини сингдиришади. Ҳар бир ўқитувчи ўз меҳнати билан ҳар биримизнинг келажагимизга пойдевор қўяди. Уларнинг меҳнати бебаҳо, қадри баланд. Устоз нафақат билим манбаи, балки маънавий етакчи, дўст ва ҳаёт мураббийидир. Биз бу заҳматкаш, фидойи инсонлар олдида қарздормиз.

Бугунги кунда таълим жараёнлари янада мураккаблашиб, янги технологиялар ва инновациялар билан бойитилмоқда. Шу боисдан ҳам устозлар зиммасида ҳар қачонгидан ҳам каттарок, ҳар даврдигидан кўра юксакроқ масъулият турибди. Шундай шароитда устозларимиз замонавий методларни ўзлаштирган ҳолда ёшларни замон талабларига мос равишда тарбияламоқда.

Биз ёшлар ҳам шунга яраша фаол ва фидойи бўлиб, устозларимиз ишончини оқлаб, ёруғ юз билан эзгу мақсадлар сари интилишимиз керак, албатта.

МУҲИМ ВА ОБРЎЛИ КАСБГА АЙЛНАДИ



Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Наср Форобий шундай деган эди: "Ўқитувчи - бу бошқаларга билим йўлини ёритадиган, мукофот кутмайдиган кишидир." Бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўқитувчи меҳнатининг моҳиятини акс эттиради.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда янгиланган "Таълим тўғрисида"ги қонундан тортиб қатор меъёрий ҳужжатларда ўқитувчининг ижтимоий ва касбий

Миллатнинг фахри

мақоми мустаҳкамланди. Бугунги кунда ўқитувчи нафақат жамият томонидан ҳурматга сазовор бўлмоқда, балки муносиб ишлаш, малака ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қонуний кафолатларга ҳам эга. Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида давлат раҳбарининг катта педагогик жамоанинг энг фаол вакиллари тақдирлаши сўнгги йилларда анъанага айланди. Ҳар йили ёшларга таълим-тарбия беришда юқори натижаларга эришган ўқитувчи ва мураббийлар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланади.

Бундан ташқари, ўқитувчилар учун бир қатор янги имтиёзлар белгиланди. Ушбу ташаббуслар таълим тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада ошириш ва уларнинг касбий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган.

Унга кўра, 15 йиллик стажга эга педагоглар учун ипотека кредитини расмийлаштиришда бошланғич бадалнинг 25 фоизини давлат ўз зиммасига олади. Ушбу ташаббус минглаб ўқитувчи оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш ва уй-жой сотиб олишда янада қўлай шарт-шароитларга эга бўлиш имконини беради.

Ўқитувчиларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасасига ўқишга киришда имтиёз берилади.

“

БУНДАН ТАШҚАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН БИР ҚАТОР ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР БЕЛГИЛАНДИ. УШБУ ТАШАББУСЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН.

Жумладан, уларга контракт суммасининг 30 фоизи миқдориди чегирма бўлади.

Таълим жараёнини рақамлаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада компьютер хариди учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилган. Бу педагогларга ўзларини зарур техник воситалар билан таъминлаш ва таълим жараёнининг сифатини ошириш имконини беради.

Ўқитувчиларга уй-жой коммунал тўловлари масаласида ҳам катта ёрдам кўрсатилади.

Шу билан бирга, Бошланғич синф ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш миллий тизими жорий этилади. Аттестациядан муваффақиятли ўтиб, тегишли сертификатга эга

бўлган педагогларнинг ойлик иш ҳақига 15 фоиз миқдориди устама тўланади. Бу бошланғич синфларда касбий ўсишни рағбатлантириш ва ўқитиш сифатини оширишга қаратилган.

Ёш мутахассислар учун малака тоифалари тизимида ўзгаришлар кўзда тутилган. Бакалавр дипломига эга бўлган битирувчиларга автоматик равишда иккинчи, магистрларга эса биринчи малака тоифаси берилади. Бу ёш ўқитувчиларнинг малакаси ва тажрибасини янада адолатли баҳолашга шароит яратади.

Хорижда таълим олиш имкониятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳоннинг ТОП-300 талик рўйхатига кирган олийгоҳларга ўқишга кирган ўқитувчиларга 20 минг АҚШ долларигача таълим

кредити ажратилади.

Бундан ташқари, ТОП-300 таликка кирган мактаб, боғча, техникум ва олийгоҳларда ишлайдиган педагогларга транспорт чипталарини сотиб олишда йиллик имтиёз берилади. Йилига бир марта бундай ўқитувчилар бутун Ўзбекистон бўйлаб авиа ва темир йўл чипталарига 15 фоиздан 20 фоизгача чегирма билан қатнашлари мумкин бўлади.

Буларнинг барчаси жамиятда ўқитувчининг маъқеини мустаҳкамлашга, унинг моддий таъминланганлик даражасини оширишга, касбий жиҳатдан ўсиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Тажрибага эга ўқитувчи ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида шуни алоҳида мамнуният ва ғурур билан таъкидлайманки, кейинги йилларда Ўзбекистонда ўқитувчилик касби чинакам юксак мақомга эга бўлди.

Ҳар бир ўқитувчи меҳнати қадрланаётгани, ғоялари қўллаб-қувватланаётгани ва хизматлари юксак даражада эътироф этилаётгани ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган инсон сифатида мен учун, айниқса, муҳимдир. Ишончим комилки, бу ислохотлар келажакка ишонч ва Ватанни севадиган янги авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Бугун биз устозларга миннатдорлик билдириб, уларнинг фидокорона меҳнатига таъзим қиламиз.



Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира.

Азиз муаллим! Узоқ йиллар олдин, Самарқанднинг Нарпайида, Қоратов тоғи ён бағрида жойлашган сўлим қишлоқдаги мўъжазгина мактабда биз – 26 ўғил-қиз сизнинг қўлингизга келиб тушганимизда ёзиш-чизиш тугул қалам тутишни ҳам билмас эдик. Ҳали 45 дақиқа партада ўтириш кўникмасига эга бўлмаган жужуқлардан Сиз комил инсонларни тарбиялашдек улғу ва заҳматли ишни ўз зиммангизга олдингиз.

Сиз бизнинг ҳар биримизни бир хилда яхши кўрдингиз. Меҳрингиз ҳар биримиз учун нажот қалъасига айланди. Сиз гўдак тасаввуримизда одамийликнинг ёрқин тивсоли янглиғ намоён бўлдингиз. Ҳар биримизда ўзига хосликни, устунлик ва заифликни кўра билдингиз. Биз учун куйиндингиз, қайғурдингиз, қувондингиз. Ўз-ўзидан биз ҳам сизга йигирма олти қатлам ипак толаси билан боғландик. Сиз орзу қилган инсон бўлишга, ишонч ва умидингизни оқлашга интилдик.

Дастлаб “Абдулла Шерназаровнинг синфи”, “Шерназаровчилар”, дея бизни бутун мактаб алқар, сўнгра худди шу ном ила биз билан фахрланишни бошладилар. Чунки синфимизда қарийб ҳамма аълочи, фаол эди.

Сизнинг синфда ўрнатган тартиб-қоидагиз биз учун қонун эди. Ота-оналаримизни қон-қариндошдек яқин тутардингиз. Қайси оилада қандай муаммо борлигини беш қўлдаи билардингиз. Бизда ота-оналар йиғилиши жуда гавжум ўтар, йиғилишга ота-оналардан ташқари бобо ва момолар ҳам тақлиф этиларди. Бу анъанага кейинчалик бутун мактаб ўрганди. Натижада мактабимизда ўқувчилар ахлоқи ва интизоми билан боғлиқ бирорта ҳам нохуш ҳолат содир бўлган эмас. Бирорта ота-она боласига тарафқашлик қилиб, мактабга келганини ёки шикоят туфайли мактабга қақирилганини эслай олмаймиз.

Қадрли муаллим! Сиз бизни ҳамма фанларга қизиқтира олдингиз. Синфимизда гоҳ адабиётдан, гоҳ географиядан, гоҳ тарихдан фан олимпиадаларининг вилоят босқичларида қатнашиб, мукофотланган ўқувчилар кўп эди. Бу эса сиз қўйган тамал тошнинг мустаҳкамлигини кўрсатарди.

САБОҒИНГИЗ УМР ЙЎЛИМНИ ЁРИТМОҚДА

"БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМГА МАКТУБЛАР" ХОТИРА ТУРКУМИДАН

Афсуски, болалигимиз пахта якка ҳокимлиги даврига тўғри келди. Пахта йиғим-терими инсонлар ҳаётидан устун кўриларди. Одамлар пахтага қўйиладиган ўғит сувлардан ичар, деярли ҳар бир уйдан сариқ касаллиги туфайли жигари шишиб кетган болалар, турли юқумли хасталиклар билан оғриган камқон оналар, нимжон оталар, ҳали олтиишга кирмасдан кексаликнинг дармонсизлиги суяк-суягидан ўтиб кетган дала меҳнаткашлари диёрига айланганди ўлкамиз.

Тиббий кўриклар ўтказилмас, ўзбек онасининг ва боласининг саломатлиги ҳеч кимни қизиқтирмасди. Оддий кўричак ёрилиши туфайли одамлар ҳаёт билан видолашарди. Биргина бизнинг синфимизда Холбувининг, Отамурдиннинг, Саиднинг, Шафоатнинг ва менинг онам бирин-кетин туғуруқ чоғи ёки орттирилган бошқа хасталик туфайли вафот этдилар. Бу мусибатлар бизнинг мурғак юрагимизда оғир жароҳатлар қолдирди. Бутун синф бизнинг ярим кўнглимизга қарар, бундай одамийлик ва ғамхўрликни мурғак қалбларга сиз жойлаган эдингиз.

Муаллимим! Сиз бизда одамгарчиликни тарбияладингиз.

Биринчи синфдаёқ азадор оиланинг уйи ёнидан кулиб ёки хиргойи қилиб ўтмаслик кераклигини тушунтирддингиз. Бировнинг ҳақкига хиёнат қилмасликка, ўзгалар дилига озор бермасликка ўргатдингиз.

Ожиз ва ногирон кишиларга ғамхўр бўлишни талаб қилдингиз. Уларга бирор яхшилик қилсак, мақтаниш ёхуд кўз-кўз қилиш ориятга тўғри келмаслигини ўқтирддингиз.

Биз сизнинг ўғитларингизга содиқ қолдик. Инсон ҳаёт сабоқларини бир умр ўрганар экан. Улғу устозларнинг сабоқлари умр йўллари ёритиб тураркан.

Ватаним ва онам олдидаги қарзимни узиб билмаслигимни билганим каби сизнинг меҳнатингиз ва меҳрингиз қиймати ҳам бебаҳо ва бемисл. Кўнгилга таскин берадигани шуки, сиздан ўрганганларимизни фарзандларимизга, шогирдларимизга етказиб, инсонийлик аталмиш муқаддас дарёдан бир ҳовуч сув улашиш илнжиди яшамоқни касб қилдик. Ҳаётда эришаётган неки ютуқларимиз, неки яхши кўнларимиз бор, барининг ортида сиз турибсиз. Чунки бизни илм йўлига олиб чиққан ҳам, қандай яшамоқ кераклигини онгу шууриимизга чуқур сингдирган ҳам Сиз бўласиз, биринчи ўқитувчим!

Таълим тараққиётни жадаллаштирувчи куч эканини, ҳар қайси соҳа истиқболини замонавий фикрлайдиган, етук кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини тобора равшан англаб етмоқдамиз. Таълим ва илм-фаннинг давр талабларига ҳамоҳанг равишда сифат босқичига кўтарилиши эса, шаксиз, ўқитувчи-педагоглар салоҳиятига, фидойилигига, машаққатли, аммо шарафли меҳнатига боғлиқ.

Мақсад – ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш



Завра АБДУЛЛАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Таълимда, маърифатда орқада қолишга ҳаққимиз йўқ. Айниқса, ҳозирги шиддатли замонда. Ҳар бир ўғил-қизда билим олишга, илм-фандаги сўнгги ютуқларни ўрганишга, изланишга иштиёқни, шижоатни, интилишни уйғотадиган ва камолга етказадиган инсон – бу ўқитувчи.

Бир эслайлик, бир пайтлар сентябрь ойи келиб, янги ўқув йили бошланди, дегунча мактаб ўқитувчилари пахта далаларига йўл олар эди. Ёки ободонлаштириш ишларига ҳам айнан улар жалб қилинади. Бугун эса соҳа ходимлари бундай мажбурий, ўзларига тааллуқли бўлмаган юмушлардан қутулди. Уларнинг биргина вазифаси бор, бу – ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш.

Яқинда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Бўстонлиқ туманида ўтказилган тантанали тадбирда ҳам шу ҳақида алоҳида сўз юритилиб, таълим сифатини ошириш, устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши таъкидланди. Таълим-тарбияда алоҳида ўрнатилган соҳа ходимлари билан самимий мулоқот

чоғида тизимда фаолият юритаётган ўқитувчи-педагоглар учун яна янги имтиёз ва рағбатлар жорий қилиниши қайд этилганида, барча бирдек мамнун бўлди.

“Икки Ренессанс давомида башариятга муаллимлик қилган халқимиз орасида устозларни эъзозлаш ва уларга эҳтиром кўрсатиш энг гўзал ва қадимий анъаналаримиздан бирига айланган. Бугун Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш деган бағоят улғу ва шарафли ишни бошлаган эканмиз, энг аввало, сиз – азиз устозлар ҳамда истеъдодли шогирдларингизга таянамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Қолаверса, нафақат ўқитувчилар, балки боғча тарбиячиларини қўллаб-қувватлаш йўлида ҳам муҳим янгиликлар қузатилаётгани айти ҳақиқат.

Маълум бўлишича, ҳозирда 7 мингдан ортиқ давлат боғчаларида 120 мингга яқин педагоглар бўлгани билан уларнинг атиги 34 фоизи олий маълумотга эга. Лекин тарбиячиларнинг мактаб ўқитувчилари каби тоифа олиши учун олийгоҳ дипломи талаб этилади.

Эндиликда давлат ва ҳусусий боғча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олийгоҳларда ўқитиш йўлга қўйилиб, йилига 10 минг тарбиячи олий маълумотли қилиниши соҳада малакали кадрларни тайёрлашда самарали ҳаётий ечим бўлади.

Яна бир янгилик. Худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” боғчалари ташкил қилиниб, уларда тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганади. Ёш муҳими, янги методикаларни ўрганиш учун бу масканларнинг эшиги ҳусусий боғча тарбиячиларига ҳам доимо очик бўлади.

Эл-юртимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг, педагог-тарбиячиларнинг мақоми, кадр-қимматини янада оқсалтириш давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани бизни фақат ва фақат қувонтиради.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Камбағалликни қисқартиришда илмий ёндашувлар муҳим

Барқарор даромад манбаларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг мунтазам ўсишига эришиш, камбағаллик сабабларини бартараф этиш бўйича юртимизда муҳим дастур ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш, фаровонликка интилиш масалаларида илмий ёндашувларни кенгайтириш, таҳлиллар асосида янги таклиф ва ташаббусларни шакллантириш долзарб вазифага айланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ташаббуслар аниқ асосли ва тизимли бўлиши учун мунтазам равишда илмий доира вакиллари, соҳа мутахассислари иштирокида мулоқот ўтказиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини яхшилаш масалаларини атрофлича таҳлил қилиб келмоқда.

Самарқанд шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари: партиявий ёндашув ва амалий ташаббуслар” мавзусига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бу борада муҳим платформага айланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов конференцияни очаркан, бир оила камбағаллигининг битта эмас, бир нечта сабаблари бўлишини, шу оила барқарорликка эришиши учун

ҳар бир сабабни алоҳида ўрганиш талаб этилишини, бунда халқаро тажриба ва тадқиқотлар муҳим эканини таъкидлади.

Халқ демократик партияси камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, ҳар бир инсонга шароит ва имконият беришдек эзгу ҳаракат ва ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлаётгани таъкидланди.

Конференция ишида камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ бир қатор масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Илмий-амалий анжуманда камбағалликни қисқартириш бўйича давлат ва партия сиёсати самарадорлиги, ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар натижалари, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб- қувватлашнинг янги механизмлари, фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш омиллари, илмий жамоатчилик ва фуқаролик институтларининг бу жараёндаги ўрни каби мавзуларда 20 дан ортиқ илмий мақолалар тақдим этилди.

Очиқ ва қизғин руҳда кечган анжуманда олий таълим муассасалари олимлари, амалиётчи экспертлар, парламент қўйи палатаси аъзолари, турли вазирлик-идоралар вакиллари ўзаро фикр алмашди.

Конференция якунларига кўра, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилган. Илмий-амалий асосланган хулосалар партия дастурлари ва давлат сиёсатини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таълим ва тиббиётдаги ўзгаришлар депутатлар нигоҳида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Андижон ва Тошкент вилоятларида бўлиб, таълим, тиббиёт муассасалари вакиллари ҳамда аҳоли билан мулоқот ўтказди. Мулоқотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар мазмун-моҳияти тушунтирилди, мавжуд муаммолар ва таклифлар ўрганилди.

Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова, партия шаҳар кенгаши раиси Феруза Абдурахимова ҳамда депутатлар Мурод Холматов ва Ёсонали Карабайев иштирокида Ангрен шаҳридаги 43-сонли мактабда ўқувчи ва педагоглар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, таълим масканидаги шарт-шароитлар ва муаммолар ўрганилди.

Депутат Қизилгул Қосимова бошчилигидаги ишчи гуруҳ “Янгиобод” санаторийси ва 3-сонли оилавий

поликлиникада ҳам бўлди. Бу ерда тиббиёт ходимлари билан мулоқотда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, коррупцияга қарши курашиш, соҳада шаффофлик ва ҳалолликни таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Андижон вилоятида эса депутат Анваржон Нурматов ҳамда партия масъуллари Бўстон туман тиббиёт техникумида талабалар ва ўқитувчилар билан учрашдилар. Мулоқотда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури, ЎзХДПнинг ижтимоий химоя йўналишидаги ташаббуслари, коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Учрашув якунида 10 нафар йигит-қиз партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Шу билан бирга, Бўстон туман марказий поликлиникасида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва янги электрон база — DMED тизими фаолияти ўрганилди. Тиббиёт ходимлари тизимдаги қулайликлар ва айна пайтдаги муаммолар ҳақида фикр ва таклифларини баён қилдилар.

5 та ҳудудда ишлаб чиқарилаётган ош тузининг йодланганлик даражаси ўрганилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратишни ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билади. Шу мақсадда партия ҳар бир йўналишда, ҳудудлар кесимида мунтазам ўрганишлар, таҳлиллар олиб боради.

Ўтган бир ой давомида партия масъуллари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳ республикаимизнинг 5 та ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ош тузининг йодланганлик даражаси ва ишлаб чиқариш стандартларига қанчалик амал қилинаётгани бўйича ўрганиш олиб борди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, ҳудудлардаги айрим ишлаб

чиқарувчилар йодлаштириш талабларига тўлиқ амал қилмаётир. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги “Хўжайкон туз” МЧЖда ош тузи тегирмонда майдаланиб эланмасдан, йодлаш ускунасига ўтказилаётгани, қолаверса, ишчилар учун етарлича шароит яратилмагани аниқланди.

Бундан ташқари, “Чорбоғ баракали туз” МЧЖда қурилиш ишлари битказилмаган, том қисми очик, ҳаво айланиш қурилмалари ўрнатилмаган, чанг ушлаб қолувчи ускуналар йўқ бинода ош тузи ишлаб чиқарилаётгани маълум бўлди.

Йод танқислиги оқибатида инсонда кузатиладиган физиологик ўзгаришлар жуда хавфли бўлиб, бу миллат генофондига ҳам таъсир қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб борилган ўрганишлар натижасида жамоатчилик эшитувини ташкил этишга қарор қилинди.



Мезон шамолени еган меваларимиз, боли тилини ёрар узумлар, барра сабзавот-у шира энган қовун-тарвузларимиз дастурдонимиз безаги. Зотан, табииати мўътадил, йилнинг 300 кундан ортиқ даври кўёшли бўлган юртимиз замини саховатли. Бироқ сўнгги пайларда бозор ёки дўконда ана шу деҳқончилик маҳсулотларини харид қилиш чоғида ҳаёлимиздан ҳадик аралаш ўй ўтадиган бўлди: ишқилиб, булар соғлигимизга зиён қилмасмикан? Юртимизнинг қай бир манзилида тарвуз, узум ёки қовундан заҳарланган кишилар, айниқса, болалар ҳақида ижтимоий тармоқларда кўрганимиз, ўқиганимиз хавотир ҳиссини каррасига оширади.

Аслида инсон танаси учун сув ва ҳаво каби зарур дармондори ҳамда микроэлементларга бой мева-сабзавотлар кундалик овқатланиш рацонида бўлиши талаб қилинади. Мутахассисларнинг белгилашича, 10 ёш ва ундан катталар кунига камида 400 гр мева-сабзавот тановул қилиши лозим. Бу меъёр 2-5 ёшдаги болаларга 250 гр, 6-9 ёшдагиларга эса 350 гр миқдориди тўғри келади. Лекин ана шу маҳсулотлар танага дармон эмас, дард бўлса-чи?

Англаганингиздек, бугун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда кимёвий препаратлардан, яъни, пестицидлардан меъёрида эмас, балки керагидан ортиқ даражада фойдаланиш оқибатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

- Ер юзиде ўртача ҳароратнинг кўтарилиши жуда кўп табиий жараёнларни издан чиқаряпти, - дейди **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Бахтиёр Расулов.** - Абадий музликларнинг эриши, инчунун, Марказий Осиёдаги қатор тоғ тизмалари чўққиларидаги музликлар сатҳи интенсив равишда камаё бошлагани ва бунинг тезлашиши, натижада сув ресурсларининг камайиб бораётгани, тупроқ намлиги ва унмдорлиги пасайиши оқибатлари тобора яққол сезилмоқда. Айниқса, бу флора

оламига, экинлар ҳосилдорлигига кескин таъсир кўрсатмоқда. Уларда касалланиш авж олиб, дарахтларнинг, ўсимликларнинг иммунитети тушиб кетаяпти. Ҳозир касалликка чалинмаган экин, ўсимлик йўқ ҳисоби. Мисол учун, ўтган йили тоққа чиққанимда ҳатто кучли иммунитетга эга ёнғоқ дарахти ҳам касалланганини кўрдим....

Дунёда бугўди, маккажўхори, шולי, картошка, соя каби 9 та стратегик экин бор. Уларни миқдор ва сифат жиҳатдан сақлаб туриш ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эга. Ҳозирги оғир шароитда бу каби экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, дарахтларнинг иммунитетини тиклаш учун кимёвий воситалардан фойдаланилмоқда. Бу жаҳон миқёсидаги тажриба. Бундан бош тортиб ёки инкор қилиб бўлмайди. Лекин, биласизми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда табиий йўллари эмас, осон ва тез ечим бўладиган чораларни кўришга киришиб кетдик. Яъни, четдан жуда катта миқдорда ва кўр-кўрона пестицидлар, бошқача айтганда, агрозаҳарлар келтирилмоқда. Ҳаттоки Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШда тақиқланганлари ҳам республикаимиз бозорига олиб қириляпти. Баъзан тўғридан-тўғри, баъзан айланма йўллар билан.

Масалан, хлорпирифос моддаси асосидаги “Агрофос экстра”, таркибида спироциклофен моддаси мавжуд “Энтови́дор”, “Диметоат” (“Демофос” савдо белгиси остида сотилади) препаратларини олиб кўрайлик. Экинларнинг турли замбуруғли ва бактериал касалликларига ҳамда зараркунанда ҳашаротларга қарши қўлланиладиган бу препаратлар аллақачон қатор ривожланган давлатларда истеъмолдан чиқариб ташланган. Чунки бунинг ортида инсонлар саломатлиги масаласи турибди.

2008-2010 йилларда институтимизда айрим агрозаҳарларнинг инсон саломатлигига таъсири ўрганилган. Ҳозир ҳам қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган “Циперметрин” препарати илмий татқиқ қилинганда у инсон хромосомаларини бузиши аниқланди. Афсуски, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ҳамда ҳашаротларга қарши бундан ҳам кучли, янги авлод пестицидлари яратилмоқда ва истеъмол бозорига кириб келмоқда.

Бу йил узум ҳосили баракали бўлди.

ДАРД ЭМАС, ДАРМОН БЎЛСИН

Шу кунларда бог-у роғларимизда, томорқаларимизда узум ғарқ пишган. Сухбатдошимиз – биолог-олим Б. Расуловнинг қайд этишича, ҳозирги пайтда узумдаги замбуруғ касалликларига қарши фунгицидлар кўп қўлланилади. Ана шундай фунгицидлардан бири – тиофанат-метил деган модда асосида яратилган “Топсин-М”, “Агробат-М”, “Эупарен-М” маркаларидаги препаратлар сотилади. Тиофанат-метил моддаси мутациялаш хусусиятига эга ва у инсонлар, қолаверса, озуқа занжирининг муҳим ҳалқаси бўлган асаларилар учун жуда ҳам хавфли.

Ёки мис оксихлориди (Cu₂(OH)₂Cl) асосидаги “Энтохлорок” номли фунгициддан ҳам амалиётда фойдаланилади. У одамнинг буйрак ва жигар аъзоларига зарар етказди. Бундай фунгицидларни қўллаб келтириш мумкин. Бизда эса узум пишаётган паллада бу фунгицидлар сепиладди. Кечқурун сепилиб, эртаси бозорга олиб чиқиб сотилади. Ана шу заҳарлар асосан меванинг сиртида, пўстлогиде сақланади.

Хўш, нима қилиш керак? Пестицидлар аёвсиз сепилаётган узум ва бошқа мевалар истеъмолини чеклаш керакми?

Табиийки, йўқ! Олимларимиз ва тиббиётчиларнинг тавсиясига кўра, шундай ҳолатда ягона ва примитив чора – бу мева-сабзавотларни, полиз маҳсулотларини бир эмас, бир неча марта яхшилаб ювиш керак.

Яна бир оғриқли жиҳат. Инсон саломатлиги ва миллат генофонди учун зарарли, бироқ истеъмолда мавжуд пестицидлар аҳоли, жумладан, болалар ўртасида онкологик касалликларни кўпайиб бораётганининг сабабларидан бири экани илмий тасдиқланган. Бу ҳақида америкалик тадқиқотчилар ўзларининг хавотирли маълумотларини тақдим қилишди. Улар энг кўп қўлланиладиган 29 та пестицидни илмий татқиқ этишганида нақ 10 таси одамда қалқонсимон без саратонини “кўзгатиш”ни аниқлади. Бундан ташқари, мия саратони, альцгеймер, паркинсон каби неврологик касалликлар, чақалоқларнинг турли аномалиялар билан туғилиши, астма ва турли аллергик реакция ҳолатларининг ортишида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кенг фойдаланилаётган агрозаҳарларнинг таъсири кам эмас.



- Ҳар гал болалар онкологияси шифохонасига борганимда юрагим эзилади,- дейди шифокор ва публицист Муаззам Иброҳимова. – Тўғри, мамлакатимизда болалар ўртасидаги онкологик касалликларга қарши курашиш, бу борада замонавий тиббий технологияларни кенг татбиқ этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида қатор ишлар қилиняпти. Яқинда дунёдаги энг нуфузли тиббий журналлардан бири - “The Lancet”да Ўзбекистон айнаи шу йўналишда тизимли ишлаётган давлат сифатида бошқа мамлакатларга ўрнак қилиб кўрсатилгани ҳам бежиз эмас. Бироқ, бугун жаҳон миқёсидаги статистикага қарасак, болалар онкологияси, рамзий қилиб айтганда, хоҳлаган эшикни тепиб қира оладиган, бутун бир оиланинг ҳаётини издан чиқарадиган мудҳиш синонга айланди.

Дунёда ҳар йили 400 мингдан ортиқ болага саратон ташхиси қўйилмоқда. Афсуски, бундай касалликка чалинган болалар ўртасидаги ўлим даражаси паст ва ўрта даромадли давлатларда ривожланган давлатларга қараганда икки баробар юқори.

М. Иброҳимованинг фикрича, болалар ўртасида саратонни камайитириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳаёт учун ҳафтли деб топилган, қатор ривожланган давлатлар амалиётда буткул тақиқлаган пестицидлар чегарадан олиб ўтилмаслиги, мазкур соҳада экологик назорат янада қатъийроқ, кучлироқ ўрнатилиши керак.

Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

АЁЛ ВА ИШ: МУВОЗАНАТ МАСАЛАСИ

Эрта тонгдан болаларини мактабга тайёрлаб, турмуш ўртоғини ишга кузатгач, Гулнора опа ўзи ҳам ишга шошилади. У ҳам меҳрибон она, ажойиб уй бекаси, ҳам масъулиятли муаллима. Ҳар кунги оила ва иш ўртасидаги мувозанатни топишга ҳаракат қилади, бу борадаги масъулиятни моҳирлик билан уддалайди. Бундай аёллар жамиятимизнинг таянчи десак, муболага бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар кунлик ҳаракати орқасида катта меҳнат ва фидойилик ётади.

Яқинда бозорда савдо қиладиган аёл билан гаплашиб қолдим:

– Тонгда соат 4 да уйғонаман, савдо қилиб рўзгорни юритамиз. Кечқурун эса ўқиётган қизимга дарсларини қилдираман, – дейди у.

Бу минглаб, миллионлаб аёлларнинг умумлаштириб қисқача баён этилган кун тартиби.

Бугун ана шундай қаҳрамон аёлларнинг ҳаёт тарзи, ички дунёси ҳақида ёзишни мақсад қилдик. Ишлайдиган аёлларнинг кўнгилларидаги гапларига қулоқ тутиш ниятидамиз.

Сир эмас, сўнгги пайтларда ўзбек жамиятида аёлнинг роли ўзгараёпти, юксалмоқда, кенгаймоқда.

Ҳозир у фақат уй бекаси эмас, балки жамиятнинг фаол иштирокчиси, билимли, меҳнаткаш, орзулари ва мақсадлари бир олам инсон. Аммо бу йўл ҳеч қачон осон бўлмаган.

Атрофингизга қаранг, эҳтимол, қаҳрамон аёл сиз билан битта хонада ўтириб ишлайди. Энди уларнинг ишда ва уйда қандай курашаётганини тасаввур қилиб кўринг, ишонинг, тасанно дейсиз.

Эрталабдан кечгача иш билан банд бўлиб, кечқурун яна ўша битмас-туганмас ташвишларга тўла рўзгор бағрига қайтишда “бугун уйда нима овқат қилсам экан” деб айтган гапини кўп эшитгансиз. Тўғрими? Жасорат ана шу аслида. Уларнинг кўзларида чарчоқ, лекин кўнгилларида ўз оиласини бахтли қилиш орзуси бор.

Гулнора опага ўхшаган минглаб аёллар кунларини ишда бошлайди, кечқурун уйга қайтиб, оиласи учун янги куч топишга ҳаракат қилади. Уларнинг бу кучи, иродаси оиласини ҳам, жамиятни ҳам кучли қилади.

АВВАЛО, ЗАМОНАВИЙ АЁЛ ҲАҚИДА...

Тарихий жиҳатдан аёллар кўпроқ уй-рўзгор ва фарзанд тарбияси билан шугулланишган бўлса, ҳозирги замонда улар сиёсат, иқтисодиёт, фан, санъат ва бошқа кўплаб соҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Аёл – аввало, она, тарбиячи ва меҳр манбаи. Бугунги жамиятда оила ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни тобора ортиб, ҳар икки соҳада ҳам мувозанатни сақлай олишнинг ўзи таҳсинга лойиқдир.

Бир қарашда ҳаммасига улғуриш имконсиздек. Аммо олимларнинг айтишича, аёлларнинг организмидаги қувват (энергия) эркакларникига нисбатан кўпроқ экан.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аёллар ишчи кучининг муҳим қисми ҳисобланади. Статистика шуни кўрсатадики, мамлакатдаги ишчи аёллар сони охириги 10 йилликда сезиларли ўсди.

Имтиёзли кредитлар, грантлар, таълим контракт тўловларининг компенсациялари каби чора-тадбирлар орқали аёллар учун таълим олиш шароитлари яхшиланди. Касб-хунар курслари ташкил этиляпти. Ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёллар фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Натижада сиёсий ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг фаоллиги ошмоқда, парламентда, ҳокимият органларида, давлат ташкилотларида аёллар вакиллиги ортмоқда. Бугун аёллар орасида Сенат раиси бор, вазир бор, ҳоким бор, ректор бор, таниқли давлат ва жамоат арбоблари бор, қаҳрамонлар, депутатлар бор, профессорлар, академиклар, хуллас, турли даражадаги раҳбарлар бор.

Ўзбекистон аёллари ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини барчамиз бевосита амалда кўриб, чуқур ҳис этаймиз. Бу том маънода, хотин-қизларнинг ижодий иқтидори, касб маҳорати ва илмий салоҳияти эътиборга олинаётганидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, ҳозирда ишчи кучининг тахминан 45 фоизини аёллар ташкил этади. Аммо уларни қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ишлайман, орзу-мақсадларимни амалга ошираман, деган аёллар оиладаги анъанавий ролларига келганда бироз қийинчиликларга дуч келиши сир эмас.



МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ҲОЗИРДА ИШЧИ КУЧИНИНГ ТАХМИНАН 45 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. АММО УЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР ҲАМ ЙўҚ ЭМАС. ИШЛАЙМАН, ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИМНИ АМАЛГА ОШИРАМАН, ДЕГАН АЁЛЛАР ОИЛАДАГИ АНЪАНАВИЙ РОЛЛАРИГА КЕЛГАНДА БИРОЗ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛИШИ СИР ЭМАС.

РЕАЛ ВОҚЕАЛАР: АЁЛ ОИЛА, ИШ ВА ОРЗУЛАР ЎРТАСИДА

Матлуба Тошкент шаҳрида ишлайдиган 28 ёшли онадир. У кун давомида банкда менежер сифатида фаолият юритади, кечқурун эса икки фарзандига қарайди, уйнинг барча ишларини бажаради. У шундай дейди:

“Ишда муваффақиятга эришиш учун кўп меҳнат қиламан, аммо уйда ҳали ҳам барча уй ишларини мен бажаришим керак. Эрим ёрдам беради, лекин у ҳам ўз иши билан банд. Кўпинча жуда чарчайман, лекин оилам учун бор кучимни сарфлайман”.

Маҳалладаги қўшнимиз Дилором опа ҳозир 42 ёшда. У олий маълумотли, аммо турмушга чиққач, эри “уйда ўтирасан, ишламайсан”, дегани учун ўз касбидан воз кечган. Энди қизини университетга тайёрлаяпти. “Мен ишлай олмаганман, у ишласин” дейди. Лекин бир куни кўзида ёш билан шундай деди: “Инсон ўзини унтумаслиги керак экан. Оила муҳим, аммо аёлнинг орзуси ҳам жонли бўлади. Мен ичимда улғайган орзулар билан яшаяпман”.

Ёрқиной опа ҳар куни эрталаб куёш билан бирга уйғонади. Уйкуга тўйиб уйғонмаса ҳам, аввал чой дамлайди, кейин фарзандларини уйғотиб, нонушта қилишади. У туман марказидаги боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Кун бўйи 20-25 нафар болага меҳр бериб, ўйин ўргатади. Уйга кечки 6 да қайтади, яна уй ишлари, дарсини қилмай ўтирган боласига ёрдамлашиш, чарчаган эрига кулиб қараш... шулар орасида баъзида ўзини унутиб қўйгандек бўлади.

Бу минглаб аёлларнинг ҳаётидан бир парча. Улар жамиятда фаол, фарзандлар учун меҳрибон она, оилада фидойи рафика, аммо кўпинча ўз ҳаётини орқага суриб яшайдилар.

Булар орасида ўз йўлини топган, орзусидан воз кечмаган аёлларнинг ҳикоялари ҳам бор. Масалан, танишим Камола опа уч фарзандни катта қилди, кечки университетда ўқиди, ҳозир эса нодавлат МТТ раҳбари. “Мен ҳеч қачон кеч эмаслигига ишонаман”, дейди опа. У оиласини ҳам асради, орзусини ҳам...

ОИЛАДАГИ АНЪАНАВИЙ РОЛЛАР ЭСА...

Ўзбек жамиятида аёл аввало уй бекаси, она, фарзанд турбиячиси сифатида қадрланади. Эркак эса оиланинг асосий таъминотчиси, бошқарувчиси сифатида кўрилади.

Замонавий дунёқарашга эга аёллар эса нафақат оилада, балки жамиятга ҳам ҳисса қўишни хоҳлайди. Ўзи қизиққан соҳада муваффақиятга эришишни истайди. Аммо айрим оилалар буни қўллаб-қувватламайди.

Оилада қадриялар ҳурмат қилиниши, анъаналар давом этиши яхши, албатта. Бу оилавий муносабатларда меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва барқарорлик таъминланиши учун хизмат қилади. Аммо бу замонавий аёлнинг эркинлиги ва ўзлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилиши керак эмас, деб ўйлаймиз. Бу аёлнинг касбий ва шахсий ўсишини чекламаслиги лозим.

Айрим ижтимоий стереотипларга кўра, “аёл ишлаши керак эмас”, “ уйда ўтириши лозим”. Аммо бу модел барча аёллар учун мос келмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир инсон ўз имкониятлари, қизиқишлари ва шароитларига қараб ҳаёт йўлини танлайди.

Шу маънода ҳозир жамиятимизда аёлларнинг таълим олишига, ижтимоий фаол бўлиб, қизиқишларини, орзу-ҳавасларини амалга оширишга ижобий қаралмоқда. Бу ўзгаришлар хотин-қизлар учун қатор имтиёзлар ва имкониятлар яратилаётганида яққол кўриняпти, десак муболага бўлмайди.

АЁЛЛАРНИНГ КАСБИЙ ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аёллар, аynиқса, қишлоқ аёлларининг касбий имкониятларини кенгайтириш борасида бир нечта муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда.

“Аёллар дафтари” орқали эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатга олинди. Уларга кредит олиш, ўқиш, иш топишда ва бошқа ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Касб-хунарга ўргатиш марказлари орқали аёлларнинг ўз бизнесини бошлашга имконият берилаяпти. “Аёллар тадбиркорлиги” дастурлари бу борада самарали ишлаяпти дейиш мумкин.

Яна бир муҳим маълумот. Ўтган йили Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди.

Ушбу конвенциянинг мақсади ҳақ тўланадиган меҳнатда ишлайдиган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабат ва имкониятларни, шунингдек, оилавий мажбуриятларга эга бўлган шахсларга ўз ҳуқуқларидан дискриминациясиз, касбий ва оилавий мажбуриятларни имкон қадар уйғунлаштирган ҳолда фойдаланишни таъминлашдан иборат.

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ БЎЛСА, УНДА АЁЛЛАРНИ НИМА ҚИЙНАЯПТИ?

Замонавий аёл кўпинча иш ва оилавий ҳаётни мувозанатлаш муаммосига дуч келади. Бу аynиқса, болали аёллар учун долзарбдир. Афсуски, айрим ҳолатларда иш берувчилар аёлнинг оилавий мажбуриятларини тўлиқ тушунмайдилар.

Яна бир масала. Кўпинча ишлайдиган аёллар уй ишларининг аксариятини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бу эса уларда жисмоний ва руҳий чарчоқни келтириб чиқаради.

Севара ШАРИПОВА, психолог:

– Аёллар ўз ролларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилгани сари психологик босимлар ортиб боради. Баъзилар бу йўлда ўз орзуларидан кечишга мажбур бўлади. Бошқалари эса оилани иккинчи ўринга қўйганлиқда айбланади. Шу боис психологик ёрдам, аёллар учун менторлик



дастурлари, гендерга мос ижтимоий сиёсат зарурати ортмоқда.

Кўпинча аёлдан ишда ҳам, уйда ҳам мукамаллик талаб қилинади. Бу эса кўп аёлларда стрессни келтириб чиқаради. Эркаклар томонидан етарли ёрдамнинг йўқлиги унга босимни икки ҳисса оширади.

Оила аъзолари кўпинча аёлининг ишлаётганини инобатга олмайди. Ишхонада қанчалик чарчамасин барибир, уйга келгач уй юмушлари кўпроқ унга юклатилади.

Менимча, жамиятимиз учун аёлларнинг меҳнатини тан олиш ва уларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Айниқса, оила аъзолари, фарзандларининг унга ёрдамчи бўлиши катта аҳамиятга эга.

Қўллаб аёллар “Агар уй ишлари билан вақтида шугулланолмасам, ёмон она ёки ёмон рафиқанам” деган ички айбдорлик ҳиссига дуч келади. Бу эса руҳий босимни янада кучайтиради.

Ёки ана бир масала, ишлайдиган аёллар кўпинча “болаларига вақт ажратмайди” деган танқидларга учрайди. Ишламайдиган оналар эса “жамиятда фаоллик кўрсатмайди” дея баҳоланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам аёл ижтимоий босим остида қолади. У оиласида ва ишда мувозанатни бир маромда олиб бориши, руҳий босим ва чарчоқлардан ҳоли бўлиши учун оиласи, атрофидаги яқинлари, керак бўлса бутун жамият қўллаб-қувватлаши керак.

Яна бир энг муҳим жиҳат. Замонавий аёлнинг ҳордиқ чиқаришга, дам олишга вақти бўлмаслиги муаммосидир.

Шу ўринда ишлайдиган аёлларга бир маслаҳатим бор. Ўзига қўл силкиб, ҳолдан тойгунча ишлаш кун келиб соғлиққа шундай панд берадики, кейин уни тиклаш осон бўлмайди. Ҳар бир аёл оиласи, фарзандлари учун ҳам ўзини эҳтиёт қилиши керак.

ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ

– Оилалар фаровон, жамият мустақкам бўлиши учун аввало, аёлларнинг ўзига ишончини ошириш, ўзини қадрлаши, “мен ҳам ишлашга ҳақлиман, мен ҳам жамиятда ўрин эгаллашим керак”, деган ишончини шакллантириш лозим. Аёл ўз ҳаётининг меъмор бўлиши керак. Унинг меҳнатини қадрлаш, тўсқинликларни бартараф этиш – бу фақат аёлнинг эмас, балки бутун жамиятнинг бурчидир. Оилада эр-хотин уй ишларини адолатли тақсимлаши керак. Фарзандлар ҳам онанинг меҳнатини қадрлашга ўрганади, – дейди социолог Комила Дониёрова. – Аёл ишлаётганини “ўзини унутди” деб эмас, балки жамиятга ҳисса қўшаётган ижобий ҳаракат сифатида баҳолаш маданиятини шакллантириш лозим. Иш жойларида оналик таътили, масофадан ишлаш, болалар учун боғчаларда имкониятларни кенгайтириш лозим.

Аёл- кўп қиррали шахсдир. Унинг оиладаги, жамиятдаги ва шахсий ҳаётдаги роллари бир-бири билан тўқнашмаслиги керак, балки бир-бирини тўлдириши зарур.

Кўпчилигимизга таниш манзара: уйда овқат пишириш, идеш-товоқ ювиш, болаларга қараш, тозалаш – буларнинг деярли барчаси аёллар зиммасида. Бундай ҳолат йиллар давомида “аёлнинг иши бу” деган стереотиплар натижасида шакланган

Айтайлик, қишлоқ ҳудудларида эса ҳатто оғир иш бўлса-да, эркак кишининг челақда рўзгорига сув ташиб келтириши ҳам уятли ҳолатга айланиб улгурган. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Хўш, биз қачон рўзгорда аёл кишига ёрдам беришни бунчалик иллат даражасигача тушириб қўйдик? Аслида бу ёрдам эмас, масъулият-ку. Ахир бу оилавий муҳит илиқлашишида, аёл ўзини қадрланган ва ҳурмат қилинган инсон сифатида ҳис қилишида, болалар тенглик, ҳамкорлик ва меҳр билан улғайишида муҳим аҳамиятга эга-ку.

Тўғри, бугунги замонда бу фикрлар аста-секин ўзгариб бормоқда. Чунки, замонавий оила – бу “бир тараф ишлайди, иккинчиси хизмат қилади”, дегани эмас. Бу икки инсон биргалиқда ҳаётни ташкил қилади, деган тушунчадир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ТҲЙЛАРИМИЗ – ҲЙЛАРИМИЗ

Тўйлар ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хос қадриятлари, удумлари акс этган, инсонларни бир-бирига яқинлаштирадиган, жамиятнинг асосий бўғини – оилалар бино бўлиб, янги орзу-умидларга қанот бағишлайдиган маросим. Айниқса, халқимиз учун тўйларнинг аҳамияти катта. Шундан бўлса керак, “Тоғнинг тўйларга буюрсин”, “Бошинг тўйдан чиқмасин”, деб дуо қилинади. Бу, яхши, албатта. Чунки тўй ва бошқа оилавий тадбирлар эзгуликдан, осайишталик ва хурсандчиликдан дарак беради.



ИСРОФДАН ҚЎРҚАЙЛИК!

Аммо масаланинг бошқа бир томони ҳам борки, бу тўй-у тантаналаримизда исрофгарчиликнинг ҳаддан зиёд ортиб бораётгани билан боғлиқ. Бугун жамиятимизда энг кўп муҳокама қилинаётган, зиёлиларимизнинг, жамоатчилик фаолларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган айни ҳолат ижтимоий муаммо тусини олгани рост.

Кейинги пайтларда тўйлар икки ёшнинг никоҳ маросимига шохидлик қилиш эмас, дабдабозлик, манманликка берилиш, “кимўзар”ликка айланиб кетди. Гўёки тўй тўй эмас, бир пойга. Қадриятларимизга тўғри келмайдиган ва одамларнинг ўзлари ўйлаб топган, ортиқча чиқим ва исрофдан иборат удумлар омалашмоқда. Буюмпарастлик, кибр ва мақтаниш, ғарбона қарашларга хос, на миллий ўзлгимизга тўғри келадиган, на бирор мантиққа эга маросимларнинг урфга кираётгани ачинарли. Аслида исрофгарчиликка сабаб бўлувчи ҳар қандай ҳаракатдан тийилиш ҳам инсоний ҳамда фуқаролик бурч саналади.

Яқинда Президентимиз тўйлар масаласига яна бир бор тўхталди. Унда айтилган фикрлар жуда ўринли ва долзарбдир. Дарҳақиқат, тўй — бу икки ёшнинг бахтли оила қуришидаги энг қувончли воқелик. Лекин айрим ҳолларда бу қувонч ортиқча дабдаба ва қарздорликка айланиб, тўйдан кўра кўпроқ ташвиш келтираётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Маҳалламизда шундай йигитлар борки, йиллаб хорижда ҳалол меҳнат қилиб, тиришиб-тирмашиб топган пулини юртга қайтгач, тўй сабаб бир кунда ҳавога совурадилар. Тўйдан кейин эса нафақат йиллар бадалида топган пулидан айрилади, балки яна қарзга ботади. Бундай ҳолатлар

кўплаб ёшларнинг оилавий ҳаётини оғирлаштирмоқда.

Яна бир мисол. Айрим оилалар тўйда фақат “ном чиқариш”ни ўйлаб, юзлаб кишига дастурхон ёзиб, турли қиммат хизматларга буюртма беради. Лекин бунинг ордидан фарзандларининг ўқишига, уй-жойига сарфланиши мумкин бўлган қанча маблағ исроф бўлади.

Яқинда маҳалламиздаги бир оила ён қўшни ва қариндошларини қақриб, ихчамгина тўй қилди. Дабдаба йўқ, лекин фэйз ва барака бор. Очиғи, мана шундай оддий, самимий тўйларни соғинган экан одам...

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, тўйларимиз халқимизнинг маданияти ва урф-одатларига мос бўлиши шарт. Оддийлик — бу камбағаллик эмас, балки ҳаётийлик ва оқилона йўл. Исрофгарчилик нафақат оилага, балки бутун жамиятга зарар келтиради.

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 сентябрдаги қарори билан «Оқилона истеъмол» дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқлангани ва



Мухтор ИЛҲОМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси,
“Учтепа” МФЙ раиси.



беморларни текширувлардан ўтказиш мезонлари ишлаб чиқилиб, энди бемор фақат стандартда кўрсатилган текширувдан бепул ўтади. Масалан, оёқ ампутацияси бўлган бемор учун рентген ва травматолог хулосаси етарли бўлади, холос.

Қолаверса, ногиронлиқни белгилашдан аввал барча учун бир хил тарзда даволашни лозим бўлган муддатлар (4 ойдан 6 ойгача) бўйича талаб ҳам бекор қилинди. Касалликдан келиб чиқиб, индивидуал муолажа олиш муддатлари ва минимал тиббий текширув мезонлари белгиланади. Сиртдан (кўрикка чақиртирмасдан) ногиронлик белгиланадиган касалликлар ва унинг асоратлари рўйхати 48 тадан 60 тага кенгайтирилгани яна бир муҳим жиҳат.

Шунингдек, юқоридаги қарор билан ўзгалар парваршига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати янги таҳрирда тасдиқланди.



ЯНГИЛИК

НОГИРОНЛИҚНИ БЕЛГИЛАШ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ

Мамлакатимизда ногиронлиқни белгилашда ягона стандартлар ҳамда рақамлаштирилган тизим ишга тушди. Фуқароларга энгиллик яратиш мақсадида "Инсон" маркази, ижтимоий ходимлар, my.go.uz портали ва оилавий шифокорлар орқали мурожаат қилиш имконияти яратилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 16 сентябрь куни қабул қилинган 587-сонли қарор ушбу соҳада ҳуқуқий асос бўлди.

Авваллари беморлар ногиронлиқни белгилатиш учун туман марказий поликлиникаларининг врачлик-маслаҳат комиссияларига қатнашга мажбур эди. Бу осон бўлмаган. Чунки республикамиздаги 720 та маҳалла туман марказларидан 30 кмдан узоқ бўлган масофада жойлашган. Беморлар ногиронлиқни белгилатиш учун бир неча бор туман марказига бориши қанча оворагарчилик, ортиқча вақт ва маблағни талаб қилгани маълум.

Янги рақамлаштирилган стандартлар ногиронлиқни белгилатиш жараёнида инсон омилини камайтиради ва турли қоғозбозликка барҳам беради.

Эндиликда ногиронлиқни белгилашда врачлик-маслаҳат комиссиялари ўрнига 18,5 минг нафар оилавий шифокорлар бемор тиббий

хужжатларини ўрганиб, эксперт комиссиясига ўзлари йўналтиради. Бу орқали вақт ва навбатлар анча қисқаради.

Врачлик-маслаҳат комиссиялари томонидан бир бемор хужжатини ўрганиш учун 40-45 минут вақт талаб этилган. Янги тартибга кўра, бемор касаллиги тўғрисида автомат шаклланадиган маълумотлар 6 тадан 33 тага кўпайиб, маълумотларни тўлдиришга кетадиган вақт 2 соатдан 20-25 дақиқачага қисқарди.

Олдинги тартибга кўра, ногиронлиқни белгилатишда бемор касалликка алоқаси бўлмаган кўплаб текширувлардан ўтиши керак эди. Бунга мисол, оёқ ампутациясига дучор бўлган бемордан биохимик текширувлар, қон ва пешоб умумий таҳлили, ЭКГ, рентген, терапевт, невролог, хирург ва травматолог хулосаси талаб этилган. Бу каби ҳолатлани бартараф этиш учун

ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВ
Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига!
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган 20 минг дона стол тақвимини чоп эттириш ҳамда харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2025 йил 20 октябрь куни соат 12.00 га қадар тижорат таклифларини қуйидаги манзил бўйича юборишлари мумкин.

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3. Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-19-73

2025 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да Тўрткўл тумани «Уллубоғ» ОФЙда жойлашган "Тўрткўлдонмахсулоти" масъулияти чекланган жамияти биносида Жамиятнинг бошқарув раисини тайинлаш бўйича пайчиларининг умумий йиғилиши ўтказилади.

Кун тартиби: жамият раисини сайлаш. Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, «Уллубоғ» ОФЙ. "Тўрткўлдонмахсулоти" МЧЖ биноси. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1037. 1585 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda